ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

45 Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўгрисидаги йўрикномага ўзгартириш ва кушимчалар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-1

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўгрисида» ги Қонунининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги 322-сон «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлигида учувчисиз учиш аппаратларидан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўгрисида» ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қумитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (руйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2014 й., 32-сон, 411-модда) билан тасдиқланган Йуловчи божхона декларациясини тулдириш ва расмийлаштириш тартиби турисидаги йуриқномага иловага мувофиқ узгартириш ва қушимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



45-модда

— 10 —

4 (660)-сон

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат божхона қўмитаси раиси

3. ДУСАНОВ

Тошкент ш, 2015 йил 22 январь, 01-02/12-04-сон

> Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қумитасининг 2015 йил 22 январдаги 01-02/12-04-сон қарорига ИЛОВА

Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўгрисидаги йўрикномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

- 1. 5-банд «ўзбек, рус ва инглиз тилларида» деган сўзлардан кейин «А-5 форматида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
- 2. 7-банднинг иккинчи хатбошисидаги «йили» деган суз «санаси» деган суз билан алмаштирилсин.
- 3. Илованинг 1-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилиши тақиқланган товарлар руйхати» қуйидаги тахрирдаги «д» кичик банд билан тулдирилсин:
 - «д) учувчисиз учиш аппаратлари.».
- 4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

Давлат статистика қўмитаси раиси

Б. ТУРАЕВ

2015 йил 22 январь

